



“Тасдиклайман”
Учкургон туман
Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиги
Б.Болтобоев

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Курилиш (реконструкция ва жорий таъмирлаш ишлари)

1.2. Танлов киймати 139 065 972 сум . Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати- аванс маблағи утказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Учқургон туман Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Учқургон шаҳар У.Абдуллаев кучаси 33 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш буйича тузилган харид комиссияси томонидан утказилади

IV. Танлов Учқургон туман Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қамида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети кийматининг қамида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб утилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар; танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; уз қучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тугрисидаги маълумотлар; танлов объектида уз қучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган ҳажми (50 фоиздан қам булмаган ҳолда); Низом маблағи мивдори.

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, моли қолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бир қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1 Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар утказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2 Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши қерак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида. хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдикланган холда такдим этишлари лозим.

4.4 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ухшаш хужжатлар руйхати илова килинади);

4.5 Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хакконийлигига тулик жавобгар булади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш киритиш хукукига эга.

5 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6 БОШКА ШАРТЛАР

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига узгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган булса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун мохиятини узгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни такдим этиш тугрисида суров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи бш тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana: 10-06-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 46352

Obyekt nomi «Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani "Xalfato'pi" MFY irrigatsiya tizimini yaxshilash»

Buyurtmachi - Uchqo'rg'on tumani Obodonlashtirish boshqarmasi
Bosh loyihachi - "THE EAGLES PROJECT" MCHJ
Litsenziya AL-001581 9.01.2021 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan
Moliyalashtirish manbai - Budget
Bosh pudratchi - Tanlov asosida
Qurilish turi Yaxshilash ishlari
Murojaat raqami: № 42171

1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 18.03.2022 yildagi PQ-172-sonli qarori.
- 1.2. Namangan viloyat hokimining 28.03.2022 yildagi 200-6-0-Q/2022-sonli qarori.
- 1.3. Uchqo'rg'on tumani hokimligi tomonidan tasdiqlangan, Uchqo'rg'on tumani Moliya bo'limi, Uchqo'rg'on tumani Mahalla va oilani qo'llab-quvvatlash bo'limi va buyurtmachi bilan kelishilgan Manzilli ro'yxat.
- 1.4. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan loyiha topshirig'i.
- 1.5. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 6.05.2022 yildagi 281105-sonli shartnoma.
- 1.6. Belgilangan tartibda buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan ob'ektning nuqson dalolatnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:
 - Umumiy tushuntirish yozuvi.
 - Irrigatsiya tarmoqlari. Bosh reja, chizmalar va qaydnomalar.
 - Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Loyihada umumiy uzunligi 461 metr LK-6.5 rusumli temir-beton novlarni o'rnatish hamda uzunligi 13 metr

Ø325 mm. bo'lgan po'lat quvurlar yotqizish ko'zda tutilgan.

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Bosh reja Uchqo'rg'on tumani Qurilish bo'limi, Uchqo'rg'on tumani "Xalfato'pi" MFY va buyurtmachi bilan kelishilgan.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Loyihada LI-40 novlari o'rniga LK-6.5 novlari - ko'zda tutildi.

6.1.2. Temir-beton novlar yuzasiga bitum surtish ish hajmi - o'zgartirildi.

6.1.3. Quvurlarni suv kirish va chiqish tomonlariga yaxlit beton kallaklar - ko'zda tutildi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan loyiha qiymati **139065,972 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	120926,932	ming so'm
--------------------------	------------	-----------

QQS:	18139,040	ming so'm
------	-----------	-----------

- Bundan tashqari

Buyurtmachining boshqa xarajatlari:	4200,000	ming so'm
-------------------------------------	----------	-----------

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "Namangan viloyati Uchqo'rg'on tumani "Xalfato'pi" MFY irrigatsiya tizimini yaxshilash" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Bosh mutaxassis: Jalilov Shokirjon Zokirjonovich